

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВА ДИЛРОМ БАХОДИРОВА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ**  
**БОШҚАРУВНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**  
**УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economics Sciences**

**Бегматова Дилором Баходировна**

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг  
самарадорлигини баҳолаш усуллари тақомиллаштириш..... 3

**Бегматова Дилором Баходировна**

Совершенствование методов оценки эффективности корпоративного  
управления в акционерных обществах ..... 25

**Begmatova Dilorom Bahodirovna**

Improvement of the assessing methods for effectiveness of corporate  
governance in joint stock companies..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВА ДИЛОРОМ БАХОДИРОВА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ**  
**БОШҚАРУВНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**  
**УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt59 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz) веб-саҳифасида ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Беркинов Бозорбой Беркинович,</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Бекмуродов Адхам Шарипович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Умаров Суннат Абдуллаевич</b> иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент молия институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел./факс: (99871)2392872; факс (99871) 2394351; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)2392827.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю. Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**М.А.Махкамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасида акциядорлик жамиятлари ривожланишига инвестициялар киритиш асосан, улардаги корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлик даражасига боғлиқ бўлмоқда. Германиянинг «Дойче Банк» тадқиқотига кўра<sup>1</sup> самарали корпоратив бошқарувига эга компанияларда бошқарув амалиёти сустрлашиб бораётган компанияларга нисбатан ривожланиш даражаси икки йил мобайнида қарийб 19 фоизга ошган, шунингдек, ABN AMRO банкининг Бразилия компанияларида ўтказган тадқиқотларида корпоратив бошқарув тизими юқори бўлган компанияларда ROE (ўз капитал рентабеллиги) 45 фоизга, соф фойда 76 фоизга кўп эканлиги қайд этилади<sup>2</sup>. Ушбу жиҳатларни эътиборга олганда миллий акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув усуллари янада такомиллаштириш муҳим масалалар қаторига кириши маълум бўлади.

Жаҳон амалиётида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадли илмий изланишларда корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий қилиш, корпоратив муносабатларнинг инвесторлар учун очиклини таъминлаш ҳамда корхоналар ривожланиш стратегиясини аниқлаш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шуларни ҳисобга олганда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизими ва унинг органлари функция ва вазифалари, шунингдек, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда тузилмавий ислохотлар амалга оширилиши натижасида акциядорлик жамиятлари ташкил этилди. 2017 йил 2 ноябрь ҳолатига республикада 614 та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 4344003,7 млн. дона акциясига жойлаштирилган устав фонди 47,4 трлн. сўмни ташкил этади<sup>3</sup>. Айни пайтда республика иқтисодиёти корпоратив секторининг маълум даражада ўсишига қарамай, корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги замонавий талаблардан ортда қолмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «корпоратив бошқарувнинг замонавий халқаро стандартлари ва усуллари татбиқ этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш»<sup>4</sup> бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни самарали ҳал этиш учун, аввало,

<sup>1</sup> Grandmont, Renato; Grant Gavin; and Silva, Flavia. "Beyond the Numbers-Corporate Governance: Implications for Investors". Deutsche Bank.

<sup>2</sup> Erbiste, Bruno. "Corporate Governance in Brazil: Is There a Link Between Corporate Governance and Financial Performance in the Brazilian Market? ABN AMRO Asset Management.

<sup>3</sup> «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси маълумотлари.

<sup>4</sup> «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎзР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари тақомиллаштириш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг «I.-Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мос тарзда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Менежмент назарияси ва амалиётини, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигининг амалий муаммоларини ўрганишга И.Ансофф, Г.Айнбиндер, А.Андерсон, Б.Блэк, О.Бланшлар ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшганлар<sup>5</sup>.

Бугунги кунда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада, яъни корпоратив бошқарув даражаси сифатининг компания фаолияти самарадорлигига таъсирини баҳолаш масалалари жуда кам ўрганилган, шу сабабдан уни янада чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Мазкур муаммо бўйича қуйидаги муаллифларнинг ишларини алоҳида қайд этиш мумкин: А.Бабков, А.Бандурин, В.Антонов, В.Кондратьев, А.Радыгин, П.Тарюк, А.Д.Шеремет ва бошқалар<sup>6</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодиёт фанида корпоратив бошқарув масалалари XX асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни республикада акциядорлик жамиятлари ташкил этилганидан сўнг ўрганила бошлади. Замонавий менежмент ва корпоратив бошқарув муаммолари, миллий

---

<sup>5</sup> Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. СПб.: Питер, 1999; Anderson A., Gupta P. P. A cross-country comparison of corporate governance and firm performance nexus: Do financial structure and the legal system of a country matter? // Working paper / LehighUniversity. 2006; Black B.S. The Corporate Governance Behavior and Market Value of Russian Firms // Emerging Markets Review. 2001. Vol. 2. P. 89–108; Blanchard O. The Tasks Ahead // IMF Working Paper No 262. 2008.

<sup>6</sup> Бабков А.Г. Рейтинговая оценка деятельности предприятия // Экономический анализ: теория и практика. – 2004 - № 14 (29). – с. 59-64; Бандурин А.В., Дроздов С.А., Кушаков С.Н. Проблемы управления корпоративной собственностью. – М.: Буквица, 2000. - 160 с; Антонов В.Г. и др. Корпоративное управление. Учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010.- 288 с; Кондратьев В. Б. Корпоративное управление и инвестиционный процесс // В.Б. Кондратьев. – М.: Наука. – 2003. – 318 с.; Радыгин А.Д. Корпоративное управление: ограничения, противоречия и особенности регулирования // Проблемы теории практики управления. – 2004. – №2. – С. 90–97.; Старюк П.Ю. Влияние корпоративного управления на стоимость российских компаний (эмпирический анализ). Автореф. дисс. – М.: 2008.; Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. – М.: ИНФРА- М, 2006. – 395.с.

шароитда уларни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш масалалари Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов, И.Л.Бутиков, С.С.Гулямов, М.Д.Котов, М.А.Махкамова, Х.Рахманкулов, Д.Х.Суюнов, Р.Х.Карлибаева, Ш.Н.Зайнутдинов, Ж.А.Фаттахова, М.Б.Хамидуллин, А.А.Хошимов, Р.И.Яушев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган<sup>7</sup>.

Бироқ кўплаб илмий ишлар нашр этилишига қарамай, хорижий ва мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида акциядорлик жамиятининг самарали корпоратив бошқарув тизимига ўтиши масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Айни пайтда мамлакатимиз шарт-шароитларига мослаштирилган корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услуб ва мезонларини танлаш бўйича асосли нуқтаи назар мавжуд эмас. Республикада корпоратив бошқарув сифатини рейтинг баҳолаш, услубий таъминлаш масалалари кам ўрганилган, шунингдек, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўллаш бўйича ёндашувлар белгиланмаган. Шу боис, ушбу муаммолар мазкур диссертация иши мавзусининг танланишига сабаб бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ бўлиб, АТД-2-20 «Корхона қийматини бошқариш услубиятини такомиллаштириш ва уни рейтинг баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллариини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

корпоратив бошқарув тўғрисидаги назариялар моҳияти, шунингдек, унинг тамойиллари ҳамда корпоратив бошқарув органларининг бошқарув объектига таъсир қилиш механизмларини ўрганиш;

хорижий мамлакатларнинг корпоратив бошқарув моделлари ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарув миллий моделининг ўзига хос хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашувни асослаб бериш;

---

<sup>7</sup> Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. – Тошкент, 2010 й. - 192б.; Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (основы создания и управления). – Т.: Изд. Нац. биб-ки Узбекистана им.А.Навои, 2005, - с.132.; Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг. Учебник. – Т.: Консаудитинформ, 2001. – 472 с; / Махкамова М.А. "Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроения Республики Узбекистан: дисс. ...докт.экон.наук. – Ташкент: ТТУ, 1999; Котов М.Д. Наблюдательный совет акционерных обществ: избрание, компетенция, ответственность. Брошюра. – Ташкент: ТГЮИ, 2004; Рахманкулов Х. О принципах корпоративного права // Обзор законодательства Узбекистана. – 2004. - №1; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2007, - 319 б.; Фаттахова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. Проблемы внедрения корпоративного управления в Узбекистане. – Ташкент, Центр исследований, 2006, - 79 с.; Хамидуллин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008, – 204 с.; Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истикболлари. – Т.: Фан, 2003, – 112 б.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув сифатини рейтинг баҳолашни услубий таъминлашнинг амалий жиҳат ва мезонларини тадқиқ қилиш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини рейтинг баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги акциядорлик жамиятлари ва унинг корпоратив бошқарув тизими танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойиллари, механизмлари ва уни рейтинг баҳолаш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда замонавий менежмент, тизимли таҳлил, бенчмаркинг, математик-таҳлил, эксперт баҳолаш, прогнозлаш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида барқарор стратегик ривожланиш ва корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишни мувофиқлаштиришда бошқарув органлари ваколатининг ташкилий-иқтисодий тузилмаси такомиллаштирилган;

миноритар акциядорларнинг фаоллиги оширилишини ҳисобга олувчи манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳаракатлар тартиби ишлаб чиқилган;

аффиланган шахслар иштирокидаги муносабатларни такомиллаштириш асосида акциядорлик жамиятларининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги акциядорлик жамиятларини ўрта ва узоқ муддатда ривожлантириш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда, корпоратив бошқарув органлари мониторингини олиб боришнинг ташкилий-иқтисодий тартиблари ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасини рейтинг баҳолаш усули бенчмаркинг тизими асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

баҳолаш агентлигининг рейтинг комитети томонидан акциядорлик жамиятларига рейтинг бериш таомили ишлаб чиқилган;

корпоратив бошқарув самарадорлиги даражаси бўйича акциядорлик жамиятининг рейтингини ҳисоблаш бўйича баллда баҳолашнинг субъективлиги ва молиявий қалтисликларни минималлаштирувчи кўп босқичли ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

корпоратив бошқарув даражасини рейтинг баҳолаш миллий агентлигини ташкил этишнинг объектив шарт-шароитлари, унинг фаолияти, функциялари ҳамда вазифалари асослаб берилган;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасини тавсифловчи миллий рейтинг шкаласи ишлаб чиқилган;



«Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги акциядорлик жамиятларининг маълумотларидан фойдаланган ҳолда корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасини рейтинг баҳолаш бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган услубият ва алгоритмлар синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган илмий тадқиқот усулларининг расмий манбалардан олингани, назарий ҳамда амалий ишланмаларнинг математик усуллар билан текширилганлиги, илмий-амалий конференция ва семинарларда тўлиқ апробациядан ўтганлиги ҳамда натижалари татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услублари ва баҳолашга ёндашувлар тўғрисидаги билимлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиради, шунингдек, республикамиз акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш билан боғлиқ турли стандарт ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этишда услубий материал бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқот иши доирасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган назарий-услубий қоидаларидан Ўзбекистонда корпоратив бошқарув даражасини рейтинг баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва баҳолаш билан боғлиқ натижалар акциядорлик жамиятлари ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги корхоналар фаолияти, бошқа манфаатдор тузилмаларда истиқболли дастур ва режаларни ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, ишнинг амалий аҳамияти таклиф этилаётган ёндашув ва услублар корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш омилларидан бири сифатида Фан ва технологиялар агентлигининг илмий-амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда қўлланилганлиги билан ҳам ифодаланади.

Бундан ташқари, тадқиқот натижаларидан «Менежмент», «Бизнесни бошқариш», «Корпоратив бошқарув» фанлари бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корпоратив бошқарув органларининг ўзаро ҳаракатларини такомиллаштириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг янги таҳририга ва 2015 йил 31 декабрда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодексига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2017 йил 17 ноябрдаги №2515/02-09-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши замонавий корпоратив бошқарув меъёр ва усулларини акциядорлик

жамиятларида жорий этиш, унинг тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, жамиятда бошқарув органларининг яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради;

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги акциядорлик жамиятларини ўрта ва узоқ муддатда ривожлантириш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда корпоратив бошқарув органи мониторингини олиб боришнинг ташкилий-иқтисодий тартиблари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 14 сентябрдаги №ДМ-126/2-сонли маълумотномаси). Муаллифнинг акциядорлик жамиятини стратегик ривожлантириш бўйича таклифлари акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг ўзаро узвий ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасини рейтинг баҳолаш усулини бенчмаркинг тизими асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 14 сентябрдаги №ДМ-126/2-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифдан «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида фойдаланилди. Таклиф этилаётган ҳисоблаш услуги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасининг мунтазам равишда амалий баҳоланишини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 12 та, жумладан, ўнта республика, иккита халқаро илмий-амалий анжуманда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 12 та илмий мақола, жумладан, еттита республика ва бешта хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация иши 150 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва амалга оширишнинг илмий-услубий асослари**» деб аталган биринчи бобида корпоратив бошқарув назариясининг моҳияти, унинг самарали тизими тамойиллари ва иқтисодий зарурати асослаб берилган, хорижий корпоратив бошқарув моделлари таҳлил қилинган, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари тўғрисида муаллиф ёндашуви баён этилган. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларида акциядорлик жамиятлари ташкил этилгани, улар миллий иқтисодиёт ривожланишида борган сари муҳим роль ўйнаётгани қайд этилган. Мазкур жамиятларнинг янада ривожланиши кўп жиҳатдан қабул қилинган корпоратив бошқарув тизими ва унинг механизмлари қанчалик яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Корпоратив бошқарувга бағишланган иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келинди, яъни корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлиги негизида манфаатлар мувозанатига эришиш ётади, мувозанатга эришиш эса, кўп жиҳатдан, корпоратив муносабат ва ҳаракатлар меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлиб, бу жиҳат доимо долзарб масала бўлиб, ривожланган давлатлар ва ривожланаётган мамлакатларга ҳам бирдек тааллуқли.

Диссертацияда хорижий<sup>8</sup> ҳамда мамлакатимиз<sup>9</sup> илмий тадқиқотчилари ва амалиётчиларининг корпоратив бошқарув моҳияти тўғрисидаги илмий ёндашувлари умумлаштирилган бўлиб, бу унинг тавсифига корпоратив бошқарув органларининг бошқарув объектига таъсирини ҳисобга олувчи аниқлик киритиш имконини берди.

Бунда таъсисчиларнинг хўжалик жамиятида (ёки ширкатга ёки корпорацияга) жамланган мулклари ва корпорациянинг мулкида ўз улуши

---

<sup>8</sup> Jensen M. Value Maximization, Stakeholder Theory, and the Corporate Objective Function//Journal of Applied Finance.-2001.-Vol.14, № 3. – P.8-21; Klapper L.F., Love I. Corporate governance, investor protection, and performance in emerging markets//Working paper№ 2818/ World Bank. 2002; Lyons B.R. Empirical Relevance of Efficient Contract Theory: Interfirm Contract// Oxford Review of Economic Policy. – 1996. – Vol.12. – P. 27-52; North C. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. – Cambridge, 1990. – 532 p.; Fama E.P. Separation of Ownership and Control / E.P. Fama, M.C. Jensen // Journal of Law and Economics. – 1983. – Vol. XXVI. – P. 122-145.

<sup>9</sup> Хошимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш. Монография. – Фан., 2007. – 300 б; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2007. – 319 б; Фаттахова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. Проблемы внедрения корпоративного управления в Узбекистане. – Т.: Центр исследований, 2006. – 79 с.

мавжуд бўлган, даромад олиш мақсадида уставда кўрсатилган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган активлар корпоратив бошқарув объектларини ташкил этади.

Тадқиқот кўрсатдики, корпоратив бошқарув моҳияти тўғрисидаги турли илмий ёндашувларда фарқ бўлишига қарамай, бевосита акциядорлик жамиятларига тааллуқли умумий унсурлар борлиги диққатга сазовор жиҳат ҳисобланади. Корпоратив бошқарув иқтисодиёт соҳасидаги бошқарув шакллари сингари иқтисодий-ҳуқуқий категория ҳисобланиб, корпорациялар шаклланиши, ривожланиши ва фаолият юритишидаги объектив қонуниятлар, турли тенденцияларни ўзида акс эттиради.

Яъни корпоратив бошқарув моҳияти ваколатли бошқарув органларининг моддий-ашёвий унсурлар, молиявий ва бошқа тузилмалардан иборат бошқарув объектига муайян мақсадда ўзаро уйғун тарзда таъсир кўрсатувчи механизм ва усуллар воситасида самарадорлик ошиши ва барқарор стратегик ривожланиш мувофиқлигини таъминлаш борасидаги фаолият тизимини ташкил этади.

Айни пайтда Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарувни қўллашга оид шаклланган ижобий тажриба ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш қонунчилик ҳужжатларида такомиллаштириш орқали мумкинлиги аниқланди.

Шуларни инобатга олиб, диссертацияда акциядорлик жамиятлари стратегик ривожланишида жамият бошқарув органлари ташкилий-иқтисодий тузилмасининг ваколатлари ҳамда ҳуқуқ ва жавобгарлигини аниқ белгилаш бўйича таклифлар қонунчилик базасида ўз аксини топди.

Самарали фаолият юритувчи корпоратив бошқарув тизимининг асосий механизмларини ўрганиш, уни тўртта даражага ажратиб қайд этиш имконини берди. Яъни биринчи ва иккинчи даражаларда корпоратив қонунчилиكنинг талабларига риоя этилиши ва корпоратив бошқарувни яхшилашда дастлабки қадам қўйилиши лозим. Учинчи ва тўртинчи даражада корпоратив бошқарув тизими ривожланиши, шунингдек, етакчиликка кўтарилиши кузатилади. Жаҳон амалиётидан маълумки, алоҳида мамлакатнинг корпоратив бошқарув тизими миллий иқтисодиётнинг муайян тавсиф ва хусусиятларига боғлиқ равишда бошқалардан ажралиб туради. Тадқиқотимиз натижалари кўрсатганидек, бирорта модель бошқасига нисбатан яққол устунликка эга эмас ва ҳеч бирини универсал модель деб бўлмайди. Аксинча, сўнгги ўн йиллик дунёнинг деярли барча мамлакатлари учун турли корпоратив бошқарув тизимлари стандартларининг ўзаро уйғунлашиш даври бўлганлиги билан ажралиб туради.

Амалга оширилган тадқиқотлар хорижий корпоратив бошқарув моделларининг асосий унсурлари ўзаро уйғунлашиб кетиши, бирор-бир мамлакатнинг миллий корпоратив бошқарув тизими учун беқиёс самара бериши мумкинлигини кўрсатди.

Диссертацияда миллий модель фаолиятининг ўзига хос хусусият ва механизмлари батафсил тадқиқ қилинган. Шу борада таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда яратилган корпоратив бошқарувнинг миллий модели герман ва


инглиз-америка моделларининг аралаш шаклини ифодалайди.

Миллий моделнинг ўзига хос хусусиятлари республика акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва мезонларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинган. Бунда корпоратив бошқарув хорижий амалиётидаги рейтинг баҳолаш тизими акциядорлик жамиятини ёпиқ ахборотдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган миноритар акциядор (инвестор) нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

Хорижий мамлакатлардаги мавжуд рейтинг тизимидаги амалий тажрибани ўрганиш асосида республиканинг акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув даражасини рейтинг баҳолашга услубий ёндашув ва баҳолаш мезонлари таклиф этилган.

Бунда устав жамғармасининг энг кам миқдори чекланганлиги; директор (бошқарув раиси) умумий йиғилиш томонидан тайинланиши; ижроия органининг ваколатлари бошқарувчи компанияга берилиши; давлат улушига эга акциядорлик жамиятларида давлат вакиллари тайинланиши; кузатув кенгаши фақат жисмоний шахслар-аутсайдерлардан таркиб топиши каби вазиятлардан келиб чиққан ҳолда миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари миноритар акциядорлар кўмитаси орқали ҳимоя қилишни ҳисобга олиш борасидаги таклифлар асосланди.

Диссертацияда корпоратив бошқарувнинг турли жиҳатлари тадқиқ қилиниши муаллифга корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасини баҳолашга ўз услубий ёндашувини асослаш имконини берди (1-расм).



1-расм. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш тизими<sup>10</sup>.

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ёндашув баҳолашнинг сифат ва миқдор усулларида фойдаланиш орқали амалга оширилади. Корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасини баҳолашнинг миқдор усули акциядорлик жамиятининг молиявий-хўжалик фаолиятини рейтинг баҳолашга асосланган бўлиб, операция самарадорлик омилларини баҳолаш (сотувлар ўсиш суръати, сотувлар рентабеллиги ва ҳ.к.); инвестицион самарадорлик омилларини баҳолаш (айланма активлар ва узоқ муддатли активларга инвестициялар самарадорлиги); молиявий самарадорлик омилларини баҳолашга (хусусий капитал рентабеллиги коэффициенти ва бошқ.) ажратилади.

Корпоратив бошқарувнинг самарадорлик даражасини таққослаш ва таҳлил қилиш учун сифат усуллари орасидан танлаб олинган юқори аҳамиятга эга мезонлар асосида рейтинг баҳолаш усулига тўхталдик. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлик даражасини хорижий акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув рейтинг тизимининг ички механизмлари мезон кўрсаткичларини таққослаш орқали аниқлаш мумкин. Корпоратив бошқарув даражасига Кузатов кенгашининг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда баҳо бериш тавсия этилади. Бунинг учун Кузатов кенгашининг тузилмаси, аъзолари сони, йиғилишлар мунтазамлиги, шунингдек, айрим ҳолларда, менежерларни мукофотлаш тизими ўрганилади, менежерлар ва мулкдорлар манфаатлари яқинлашиши даражаси таҳлил қилинади. Диссертацияда уларнинг асосий таркибий қисмлари бўйича таснифи келтирилган.

Диссертациянинг **«Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида республика энгил саноатининг акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида энгил саноат соҳасида бошқарув тизимининг шаклланиш босқичлари таҳлил қилинган ҳамда энгил саноатнинг ривожланиш ҳолати ва «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибида фаолият юритувчи қатор акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигига баҳо берилган.

Энгил саноат Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади, яъни ушбу тизим хомашёларни қайта ишлаш, тўқимачилик, тикувчилик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кўп асрлик анъаналарга эга. Соҳада ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 2016 йилда 9,8 фоизни ташкил этди, бу 2011 йилга нисбатан 5,8 фоиз пунктига кўпдир (1-жадвал).

Энгил саноат тармоқлари орасида тикувчилик соҳаси 2015 йилгача нисбатан тез суръатларда ривожланган. Аммо 2016 йилдаги унинг ўсиш суръати 2011 йилга нисбатан 24,8 фоизга пасайди. 2016 йилда 2011 йилга нисбатан энг юқори ўсиш 12,5 ф.п. тўқимачилик соҳасида кузатилди. «Ўзбекенгилсаноат» АЖда 2016 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4128,2 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2015 йилга нисбатан ўсиш 68,9 фоизга тенг бўлди.

Натурал ифодада мазкур АЖда 2016 йилда 367,1 минг тонна пахта ипи (2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 12,6 фоиз); 197,3 млн. кв.м ипли газлама (ўсиш суръати 25 фоиз); 215,1 млн. дона трикотажд (ўсиш суръати 33,1 фоиз); 1230,1 тонна пилла хомашёси ипи (ўсиш суръати 14,2 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

**Ўзбекистон енгил саноат соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоизда)**

Кўрсаткичлар	Й и л л а р						2016 й.да 2011 йилга нисбатан, ф.п.
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
Соҳа бўйича ўсиш суръатлари	104,0	112,9	111,9	115,4	115,7	109,8	+5,8
шу жумладан: - тўқимачилик	101,3	109,2	111,1	113,2	110,6	113,8	+12,5
- тикувчилик	127,3	138,0	113,7	128,9	120,3	102,5	-24,8

Манба: Статистика тўплами. Ўзбекистон саноати, Тошкент, 2017 й. 25-б.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида енгил саноат соҳасида тўқимачилик, тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича жами қиймати 178 млн. АҚШ долларига тенг 15 та лойиҳа, тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича эса қиймати жами 9 млн. АҚШ долларига тенг тўққизта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Статистика маълумотларига кўра, енгил саноат соҳаларида 2017 йил 1 январь ҳолатига 9,2 мингдан ортиқ корхона фаолият юритган. Шулардан 376 таси, шу жумладан, еттига АЖ ва 282 та МЧЖ «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибига киради. Ушбу соҳада акциядорлик жамиятлари сонининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаблари: акциядорлик жамияти устав жамғармасининг энг кам ҳажми 400 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланиши, акциядорлик жамиятига 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда улуш билан хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича талаб қўйилиши, шунингдек, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усуллари татбиқ қилишнинг зарур шарт<sup>11</sup> кабилар ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш борасидаги йўналишлардан бири бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш ҳисобланади. Бинобарин, хорижий тадқиқотларда бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш жамиятнинг ижобий имижини таъминлашнинг муҳим омили сифатида эътиборга олинади. Чунки имижни шакллантириш бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб келган ва узоқ вақт талаб қиладиган жараён ҳамда бугунги кунда бу ҳар бир акциядорлик жамияти учун ҳаётий заруратэканлигини таъкидлаш лозим. Тадқиқот ишида мазкур жиҳатларни кенгроқ ҳисобга олиш мақсадида аффилиланган шахсларнинг битим тузишдаги иштирокига норматив ёндашувлар таҳлил қилинди. Таҳлилларга кўра, аффилиланган шахсларнинг битим тузишдаги иштироки акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги миссия ва мақсадларини уйғунлаштиришга хизмат қилиши талаб этилади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда аффилиланган шахслар

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

иштирокидаги муносабатларни такомиллаштириш асосида акциядорлик жамиятларининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхоналар эгалик қилувчи акция ва улушлар асосида акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияларидаги вакиллари, шунингдек, умумий йиғилишларда иштироки орқали бошқаради. «Ўзбекенгилсаноат» АЖ ўз таркибидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш мақсадида жамият вакиллари ҳар чорақда корхона раҳбарларининг бизнес-режанинг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тингланувчи кузатув кенгаши йиғилишлари ва жамиятларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 9-сонли баённомасига (11.02.2016 й. 02-02/1-187-сонли) мувофиқ, «Ўзбекенгилсаноат» АЖ Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилди, ички ҳужжатлар (Ахборот сиёсати тўғрисида, ички назорат тўғрисида, дивиденд сиёсати тўғрисида, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомлар) тасдиқланди. Ушбу ҳолатлар мазкур жамиятнинг ўрта ва узоқ истиқболда ривожланишига кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзбекенгилсаноат» АЖ фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва веб-сайтга жойлаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий-иқтисодий фаолият натижаларини илмий тадқиқ қилиш ҳамда корпоратив бошқарув органлари фаолиятига оид мониторинг учун асосий кўрсаткичлар тизими танланди. Яъни мазкур мониторингда: ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш динамикаси; маҳсулот таннархи, нархи; сотишдан келган тушумлар, шундан экспорт ҳажми ва салмоғи; харажатларнинг қопланиши; соф фойда ҳажми ва таннархдаги салмоғи; материаллар ва хомашё ресурслар билан таъминланганлик кўрсаткичлари билан бир қаторда бошқарув тизими вазибаларининг тўғри ижро этилиши ва институционал муҳитга мослашув даражаси; хусусийлаштиришнинг давлат, меҳнат жамоаси ва менежерларга таъсири; корхонанинг акциялаштирилиш миқёси ва акциядорлар таркиби ҳамда ташқи инвестицияларнинг жалб қилиниш салмоғи каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш назарда тутилган.

Диссертацияда мазкур мониторинг талаблари асосида бешта корхона фаолияти кўрсаткичлари таҳлил қилинди: «Антекс» АЖ, «Қамаши ХБК»



АЖ, «Нотўқимачи» АЖ, «Бешариқтекстиль» АЖ, «Каштекс» АЖ. Мазкур корхоналар тўқимачилик соҳасида фаолият юритади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**«Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибидаги айрим акциядорлик жамиятлари фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш-молиявий кўрсаткичлари динамикаси, (млн. сўм)**

Кўрсаткичлар	«Антекс» АЖ		«Каштекс» АЖ		«Нотўқимачи» АЖ *		«Бешариқтекстиль» АЖ		«Қамаши ХБК» АЖ *	
	2011й.	2015й.	2011й.	2015й.	2011й.	2015й.	2011й.	2015й.	2011й.	2015й.
Ишлаб чиқарилган маҳсулот	8058,1	9188,2	8543,9	9698,8	5880,0	5156,3	11676,2	14903,6	1400,5	1946,3
Ишчилар сони, киши	319	274	7183	731	272	239	802	744	41	48
Ўртача иш ҳақи жамғармаси	828,0	1052,1	1884,7	2585,8	881,3	1118,4	2511,7	3514,5	88,4	121,5
Маҳсулот экспорти	13062,7	18255,7	6068,5	9135,5	276,0	421	2,7	3,5	1848,7	2929,7
Маҳсулот импорти	5,1	4,8	1126,9	1660,3	0	0	2,4	1,5	0	0
Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи	6511,1	7938,6	8125,1	10920,0	10977,5	6264,8	9134,2	12853,3	1297	1607,7
Соф фойда	3,7	3,6	1244,8	1729,6	53,5	59,9	73,8	100,5	50,7	63,7

**Манба:** «Ўзбекенгилсаноат» АЖ маълумотлари асосида тузилган. \* 2015 йил охиридан МЧЖ, ХКга айлантирилган.

Таҳлиллар кўрсатганидек, 2011-2015 йилларда бу акциядорлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, шунингдек, экспорт ҳажми сақлаб қолинди. Бироқ ишлаб чиқариш суръатлари жуда юқори бўлмаган вазиятда маҳсулот таннархлари жуда тез ўсиб борди, бу айрим акциядорлик жамиятларида соф фойданинг камайишига олиб келди. Бундай вазият юзага келишининг асосий сабаблари - пахта толасининг нархи кўтарилиши натижасида материаллар ва хомашё ресурслари етишмаслиги; ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан паст даражадалиги; сотишдан келган тушумлар корхоналар харажатларини қопламаслиги билан боғлиқ бўлди.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни таҳлил қилиш кўрсатдики, корпоратив бошқарув тизимининг вазифалари тўғри ижро этилса ва у институционал муҳитга мослаштирилса, акциядорлик жамиятларини фаолият самарадорлиги ошиши мумкин. Енгил саноат тизимидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув хусусийлаштириш таъсирида шаклланган бўлиб, натижада соҳа корхоналари акциялаштирилиши давлат, меҳнат жамоалари ва менежерлар асосий акциядор бўлиб қолганлар, бу эса, соҳага ташқи инвесторларни жалб

қилишга салбий таъсир кўрсатган.

Мазкур тизимли таҳлил диссертацияда соҳани ўрта ва узоқ муддатда ривожлантириш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ ўз корпоратив бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган функцияларини фаоллаштириши, бунда кузатув кенгашининг функция ва вазифаларини такомиллаштириш йўллари ва доимий мониторинг олиб бориш тартиблари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув даражасини рейтинг баҳолашга концептуал-услубий ёндашувлар**» деб номланган учинчи бобида корпоратив бошқарув даражасини баҳолашнинг моҳияти ёритиб берилган ва тамойиллари асосланган, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини рейтинг баҳолаш бўйича услубий ёндашув, мезон ва алгоритмлар мажмуаси таклиф этилган, уларни синовдан ўтказиш натижалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига фаол интеграциялашуви мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини мустақил баҳолашга эҳтиёжларини рағбатлантирмоқда. Бироқ ханузгача республикада рейтинглаш фаолияти шаклланиш босқичида. Рейтинглари акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув даражаси тўғрисида зарур ахборотни тақдим этган ҳолда акциядорлик адолатли қийматини белгилаш ва инвесторларга инвестиция қарорини қабул қилишда кўмак бериши зарур. Бугунги кунда ушбу таҳлил энг объектив усул, яъни инвесторга акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув сифати тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Диссертацияда республикада корпоратив бошқарув самарадорлигини рейтинг баҳолаш услубини шакллантириш мақсадида дунё рейтинглаш хизматлари бозори тузилмаси ва ривожланишидаги асосий тенденциялар таҳлил қилинди, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун рейтинг тизимининг аҳамияти ва зарурлиги асосланди. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда Ўзбекистон капитал бозорининг ривожланиши шароитида акциядорлик жамиятга рейтинг комитети томонидан рейтинг бериш таомиллари ишлаб чиқилди (2-расм).

Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувни баҳолаш натижалари мамлакатдаги ҳамда хориждаги кенг доирадаги фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун рейтинг баҳолашнинг услубий ёндашуви ўрганилаётган соҳада умумэтироф этилган стандарт ҳисобланган ИХТТ корпоратив бошқарув тамойиллари ва уни татбиқ этиш учун қабул қилинган миллий тамойиллар (Корпоратив бошқарув кодекси<sup>12</sup>) ва корпоратив бошқарувнинг самарали тизимига ўтиш бўйича тавсиялар асосида ишлаб чиқилган.

---

<sup>12</sup> Корпоратив бошқарув кодекси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Давлат рақобат кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.



**2-расм. Акциядорлик жамиятига рейтинг бериш тамоилларини амалга ошириш босқичлари<sup>13</sup>.**

